

Сийрат дарслари (101-дарс). Маййитга уч нарса эргашади...



13:04 / 04.09.2020 5333

407. Умму Холид бинт Саъид ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабр азобидан паноҳ сўраётганларини эшитдим».

Бухорий ривоят қилган.

408. Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» (ояти) қабр азоби ҳақида нозил бўлган. Шунда унга: «Роббинг ким?» дейилади. «Роббим - Аллоҳ, Пайғамбарим - Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам», дейди. Мана шу Аллоҳ аzza ва жалланинг «Аллоҳ иймон келтирганларни бу дунё ҳаётида ҳам, охирада

ҳам собит сўз ила собитқадам қилур» деган сўзидир».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

409. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Майитга уч нарса эргашади. Иккитаси қайтиб, биттаси у билан қолади. Унга аҳли, моли ва амали эргашади. Аҳли ва моли қайтади, амали қолади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан